

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУСАНОВ ТОХИР СУННАТОВИЧ

**БЕДА МОЗАИКАСИ ВИРУСИНИ ТАВСИФЛАШ ВА ВИРУСИ БИЛАН
КАСАЛЛАНГАН ЎСИМЛИКЛАРДАГИ АЙРИМ ФИЗИОЛОГИК
ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ**

**03.00.04-Микробиология ва вирусология
03.00.07-Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хусанов Тохир Суннатович

Беда мозаикаси вирусини тавсифлаш ва вируси билан касалланган
ўсимликлардаги айрим физиологик жараёнларга таъсири.....3

Хусанов Тохир Суннатович

Характеристика вируса мозаики люцерны и влияние вируса на
некоторые физиологические процессы зараженных растений23

Хусанов Тохир Суннатович

Characterization of alfalfa mosaic virus and the effect of the virus on some
physiological processes of infected plants41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....44

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУСАНОВ ТОХИР СУННАТОВИЧ

**БЕДА МОЗАИКАСИ ВИРУСИНИ ТАВСИФЛАШ ВА ВИРУСИ БИЛАН
КАСАЛЛАНГАН ЎСИМЛИКЛАРДАГИ АЙРИМ ФИЗИОЛОГИК
ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ**

**03.00.04-микробиология ва вирусология
03.00.07-ўсимликлар физиологияси ва биокимёси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/В80 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси microbio@academy.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Ваҳобов Абдурасул Ҳакимович биология фанлари доктори, профессор
	Давронов Қодиржон Сотволдиевич биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Аҳмеджанов Искандар Гулямович биология фанлари доктори, профессор
	Шакиров Заир Саотович биология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.В.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «27» февраль куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлади. Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7⁶-уй, Микробиология институти мажлислар зали, 3-қават Тел.:(+99871) 241-92-28, факс:(+99871) 241-92-71; e-mail: microbio@academy.uz

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7⁶-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават. Библиотека. Тел.:(+99871) 241-92-28, факс:(+99871) 241-92-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ рақамли реестр баённомаси).

Арипов Тахир Фатихович
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кишлок хўжалиги экинларини етиштириш мобайнида учрайдиган турли зараркунанда ва касалликлар туфайли ўсимликлар нобуд бўлиши ҳамда ҳосилдорликни кескин камайиши кўпгина мамлакатларда иқтисодий зарар келтирилишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда кишлок хўжалиги экинларининг 100 дан ортиғи вирус касалликлари ва турли замбуруғ касалликлари билан зарарланиши оқибатида атроф-муҳит, экология ҳамда инсонлар саломатлигига хавф солиши мумкин. Шу сабабли, беда мозаикаси вирусининг тарқалиш мониторингини ўтказиш, беда ўсимликларида кечадиган метаболик жараёнларига таъсирини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда илмий ва амалий изланишларга асосланган интенсив технологиялар ёрдамида ўсимликларни ўзига хос экин турларидан юқтирадиган вируслар ва патогенликнинг салбий таъсири аниқлаш ва уни йўқ қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, беда мозаикаси вирусини турларини тавсифлаш, уларнинг морфологияси, физиологияси ва патогенлик хусусиятларини аниқлаш, замонвий ва сезгир иммунодиагностика усулларида фойдаланиб фитопатоген вирусларни аниқлаш, вирусларни ажратиб олиш уларга антизардоб тайёрлаш, вирусларнинг организмдаги генерацияси ва ўсимликлар билан ўзаро муносабатлари, уларга қарши курашишда кимёвий, биологик ва бошқа препаратларга нисбатан муносабатларини аниқлаш, уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш ҳамда вирусларга чидамли навларни яратишни тақозо этмоқда.

Республикамизда вируслар таксономиясини аниқлашда генетик таҳлили усулларида турларни индендификациялаш ва уларга эрта диагноз қилиш орқали беда ва бошқа кишлок хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилган, беда мозаикаси вируси тарқалиши, хусусиятлари ва патогенлигини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш бўйича муайян натижаларга эришмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга беда, картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини оптималлаштириш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий шароитларга мослашган экинларининг, ернинг унумдорлик ҳолатини тиклашда алмашлаб экиш, ҳамда чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш учун бедадан (*Medicago sativa L*) унумли фойдаланиш, унинг янги серҳосил, касалликга чидамли навларини яратиш ва жорий этиш» бўйича вазифалар белгилаб берилган¹. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

вирусга чидамли нав ва линияларни аниқлаш, унга қарши курашишнинг биологик усулини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 октябрдаги П-5394-сон «Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишнинг кўшимча ташкилий чора тадбирлари тўғрисидаги» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Беда мозаикаси вируси (БМВ) тарқалиши ва касаллантирадиган ўсимликлар кўлами жуда кенглиги борасида дунё илмий адабиётларида кўплаб маълумотлар тўпланган. Адабиётлардан маълумки, беда мозаикаси вируси 70 та оилага мансуб 600 дан ортиқ ўсимлик турларини касаллантириши билан энг юқори ўринда туриши аниқланган.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида Россия, Украина, Бельгия, Голландия, АҚШ, Австралия, БАА, Эрон, Туркия мамлакатларида Беда мозаикаси вируси бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Беда мозаикаси вируси (БМВ) Шимолий Америка, Англия, Венгрия, Франция, Италия, Греция, Эрон, Австралия, Янги Зеландия, Хитой, Миср, Россия ва Саудия Арабистонида рўйхатга олинган. Саудия Арабистонида тарқалган БМВ фенотипик кўринишини баён этган I.M.Al-Shahwan (2002), Мисрда тарқалган БМВни биологик ва молекуляр тавсифини келтирганлар H.S.El-Helaly, A.A.Ahmed, M.A.Awad, A.M.Soliman (2012), Эроннинг айрим ҳудудларида тарқалган БМВ ни серологик тавсифлаганлар H.Massumi, A.P.Hosseini (2007), H.Xu, J.Nie томонидан (2006) БМВни аниқлаш, тавсифлаш ва молекуляр детекция қилиш ишлари бажарилган, P.Salomon, A.Sos-Hegedus, P.Gyula, G.Szitty (2018) Венгрия шароитларида тарқалган БМВ ва унинг бедани зарарлаши ҳақида маълумот келтирилган.

Республикамизда ўтказилган кам сонли тадқиқотлар (А.Ҳ.Вахабов, К.С.Давранов, З.Н.Дехқонова, В.Б.Файзиев, У.М.Жураева ва бошқ.) турли қишлоқ хўжалик экинларида, хавфли касалликларни қўзғатадиган вируслар бўйича баъзи маълумотлар келтирилган. Ушбу диссертация иши мамлакатимизда беда ва унга ёндош экин далаларида тарқалган ҳамда катта зарар етказаётган БМВ касалликларини қўзғатувчиларнинг таркибини,

таксономиясини, хусусиятларини, физиологик жараёнларга таъсирини ва уларга қарши кураш чораларини аниқлашга бағишланган. Бироқ, юқоридаги олиб борилган тадқиқотларда беда мозаикаси вируси (БМВ) турларини аниқлаш ва уларнинг морфологияси, физиологияси ва патогенлик хусусиятларини аниқлаш бўйича тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Шунинг учун беда мозаикаси вируси тарқалиши, хусусиятлари ва патогенлигини аниқлаш ҳамда уларга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ва Микробиология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 2.3 “Тошкент вилояти микрофлорасига антропоген омилларнинг таъсири” (2012-2015), ҳамда Микробиология институти илмий тадқиқот режасининг ФА-Т110 “Мицелиал замбуруғларнинг гидролитик ферментлари ва уларнинг фиопатогенлар хужайра деворини парчалаши” (2015-2017) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Тошкент вилояти шароитида беда мозаикаси вирусининг мониторингини ўтказиш, беда ўсимлигида кечадиган метаболик жараёнларга таъсирини баҳолаш ва унга қарши курашишнинг биологик усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент вилоятининг турли ҳудудларида етиштирилаётган беда ўсимлигида вирус тарқалишини мониторинг ўтказиш;

беда мозаикаси вирусини изолятини ажратиб олиш;

беда мозаикаси вирусининг ўсимликларда кечадиган метаболитик жараёнларига таъсирини аниқлаш ва патогенлик хусусиятларини таҳлил қилиш;

беда ўсимлиги вирусини ПЗР диагностика қилиш усулини ишлаб чиқиш;

беданинг БМВ га чидамли нав ва линияларини аниқлаш;

беда мозаикаси вируси касаллигига қарши кураш учун *in vivo* ва *in vitro* усули ёрдамида кимёвий ва биологик препаратларни қўллаш ва қиёсий таҳлил этиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг турли ҳудудларида вирус билан касалланган беда намуналари, улардан ажратиб олинган вирус изолятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беда мозаикаси вирусини аниқлаш, тарқалишини баҳолаш, изолятлардан вирусни тозалаш, систематик ўрнини, ўсимликларнинг физиологик кўрсаткичларига таъсирининг патогенлик, токсигенлик таҳлилини ўтказиш иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажариш жараёнида амалий вирусологияда қўлланиладиган стандарт услублар ёрдамида, соф вирус изолятларини ажратиш, ПЗР таҳлили билан уни систематик ўрнини аниқлаш, вирусологик, микробиологик, физиологик, биокимёвий, генетик, микроскопик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти шароитида беда экилган далаларда беда мозаикаси вирусининг тарқалиш даражаси, ўсимликларнинг зарарланиш фоизи аниқланган ва вируснинг қисман тоза изоляти ажратиб олинган;

морфо-физиологик ва молекуляр-генетик таҳлиллар асосида беда мозаикаси вирусининг систематикаси асосланган;

илк бор ажратилган вирус изолятларининг биологик, морфо-физиологик ва патогенлик хусусиятлари аниқланган;

илк бор беда мозаикаси вирусига қарши курашда кимёвий ва биологик препаратлар соғлом ва вирус сунъий юктирилган беда ўсимлигида аниқланилиб, қиёсий тавсифланган ва таъсир этиш даражаси баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг беда экин майдонларининг вирусологик жиҳатдан виросанитар ҳолати вируслар тарқалиши аниқланган;

вирус сунъий юктирилган ўсимликларнинг ва чидамлилиқ даражалари баҳоланган ҳамда уларни соғломлаштириш учун турли препаратларнинг таъсири аниқланган.

беда мозаикаси вирусига қарши курашишда “Химвакс”, “Фармайод” кимёвий препаратлари ҳамда “FOSSTIM-3” ва “Микрозим-2” биопрепаратлари қўлланилиб, уларнинг қиёсий таъсир кўрсаткичлари асосланган;

“Микрозим-2” ва “FOSSTIM-3” биологик препаратларининг вирусга нисбатан энг юқори таъсир кўрсаткичи аниқланиб, вирусга қарши курашиш меъёрлари ишлаб чиқилган.

тадқиқотлар асосида беда мозаикаси вирусини эрта диагноз қилиш усули ишлаб чиқилган ҳамда беда мозаикаси вирусига қарши кураш чоралари бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий микробиологик, вирусологик, физиологик, генетик усуллар асосида олинган илмий-амалий натижалар нуфузли маҳаллий ва хорижий журналларда чоп этилганлиги, вируснинг тоза изоляти олинганлиги, генетик ўрни аниқланиб, вируслар коллекцияси бойитилганлиги, тадқиқотнинг амалий натижалари мутасадди ташкилотларда жорий этилганлиги билан изоҳланади. Тажриба натижаларидаги чизиқли оғиш, ўртача силжиш, ишончлилиқ интервалларини ҳисоблашда STATISTICA 6.0 компьютер дастури, ҳамда стандарт услублардан фойдаланилган. Натижалар статистик қиймати Стъудент t-критерийси орқали амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг беда далаларида беда мозаикаси касаллигини кўзгатувчи вируснинг тарқалиши, учраш частотасининг аниқланганлиги, илк бор Ўзбекистон шароитида беда ўсимлигининг вирус билан зарарланиш даражалари, худудлараро касалликнинг учраш частотаси белгиланганлиги, генетик ўрни, морфологик-физиологик, биокимёвий ва патогенлик хусусиятларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беда мозаикаси вирусининг тоза изоляти олинган ва вирусология коллекцияси БМВ тоза изоляти билан бойитилган, чорвачиликнинг асосий озуқа экини – беданинг вирус билан зарарланишини эрта диагноз қилиш юқори ва ҳавфсиз ҳосил олиш учун вирусга қарши курашишда биологик препаратларни қўллаш ҳамда беда ўсимлигини ҳимоя қилишнинг самарали усули ва курашиш тадбирларини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Беда мозаикаси вирусини тавсифлаш ва вируси билан касалланган ўсимликлардаги айрим физиологик жараёнларга таъсири бўйича олинган натижалар асосида:

касалланган беда ўсимлигидан ажратиб олинган беда мозаикаси вирусини (*Alfalfa mosaic virus*) Жаҳон микроорганизмлар маълумотлар марказининг Патоген Микроорганизмлар Миллий коллекциясининг (World Data Center for Microorganism (WDCM) National Collection of Phytopathogenic Microorganisms (NCAM)) маълумотлар базасига WDCM 862-рақами орқали рўйхатдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 2019 йил 13 февралдаги 4/1255-380-сон маълумотномаси). Натижада дунёнинг турли минтақаларида тарқалган беда мозаикаси вирусини аниқлашда фойдаланиш имконини берган;

алмашлаб экишда ерда азот тўпловчи асосий экин бўлган беда ўсимлигида беда мозаика вирусини тарқалиш даражасини аниқлаш ва вирусга қарши кураш чоралари Сирдарё вилояти Сирдарё тумани “Хусан Дониқулович” фермер хўжалигида 12 гектар беда майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 15 июлдаги 02/025-1161-сон маълумотномаси). Натижада беда мозаика вирусини касаллигини эрта диагноз қилиш, касалланган ўсимликлар ва зарарланиш ареалларини аниқлаш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш имконини берган;

экологик ҳавфсиз энзимли органик ўғити “Микрозим-2” биопрепаратини томчилатиб суғориш орқали беда мозаика вирусига қарши такомиллаштирилган кураш чора тадбирлари Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани “Бахорнинг илк кунлари” фермер хўжалигининг беда майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 15 июлдаги 02/025-1161-сон маълумотномаси). Натижада беда мозаикаси вирусини билан зарарланиш даражасининг дастлабки 43% дан 12% гача пасайганлиги, фитомассанинг эса 14-18 центнерга ошиши имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 7 халқаро ва 4 республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган

илмий нашрларда, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Беда (*Medicago sativa L*) ўсимлигининг биологик, морфологик, физиологик, биокимёвий хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусининг мақсад ва вазифалари юзасидан республикада ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи, хусусан *Medicago sativa L.* ўсимлигининг морфо-ботаник тавсифи, биологияси, турлари классификацияси ва тарқалиши тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари *Medicago sativa L.* ўсимлиги ризосфераси ва фитомассасининг кимёвий таркиби, ўсимликни етиштиришда озуқа элементларининг аҳамияти, касалликлари, беда мозаикаси вирусининг тарқалиши, тавсифи, ўзига хос хусусиятлари, беда мозаикаси вирусининг тахлилида индикатор ўсимликлар ва уларнинг аҳамияти, касалланган ўсимлик тўқималарида физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг ўзгариши каби ишончли маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсимлик намуналарини йиғиш ва вируслар изолятини ажратиш усули”** деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг манбаи ва унинг тавсифлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба олиб бориш жойи ва шароити, лаборатория ва дала шароитларида, микробиологик ва вирусологик изланишларни амалга ошириш борасидаги ишлар, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар баён қилинган.

Олиб борилган тажрибалар 2012-2019 йиллар мобайнида амалга оширилди. Хусусан, ўсимлик намуналарини йиғиш ва вируслар изолятини ажратиш усулида олиб борилган тажрибалар дала ва сунъий шароитларда Тошкент вилоятининг турли худудларида етиштириляётган беда навлари ва уларнинг экин далалари, уларга яқин жойлашган экинзорлар, экин далаларида касалланган беда ва ўсимлик органлари гербарийлари, тупроқ намуналари билан олиб борилди. Морфологик-культурал белгилари асосида турларни идентификация қилиш усули эса вируслар сунъий юктирилган ўсимликлардаги кузатувлар лизиметрик усул ва иссиқхона шароитларида ўрганилиб борилди, ўсимликларнинг ҳолати, зараланиш даражалари морфологик, фенологик, физиологик кузатувлар ва окуляр-микрометрик,

куруқ массалари чиқими ўлчовлари орқали амалга оширилди. Тадкикот намуналари таркибидаги элементлар миқдорини аниқлаш ВВР-СМ (Россия, 1959) усули, яъни 1980да йил модификация килинган тадкикот реакторида нейтрон-активацион таҳлил ёрдамида амалга оширилди Тажрибалар ЎзР ФА Ядро физика институтининг «Активацион таҳлил» лабораторияси билан ҳамкорликда олиб борилди.


Диссертациянинг «Беда мозаикаси вирусининг (БМВ) тарқалишни идентификация қилиш» деб номланган учинчи бобида Тошкент вилояти Зангота тумани “Эркин сут товар”, Паркент тумани “Донёр Диёр”, Чиноз тумани “Ахмаджонова Инобат”, Қибрай тумани «Дўстлик» фермер хўжалиқларида БМВнинг тарқалиш мониторинг олиб борилди (1-расм).




1-расм. а-соғлом беда, б-в-г-д- беда ўсимлигининг вирус билан касалланиш мозаика аломатлари

Ўтказилган мониторинг натижасида деярли барча беда экилган бедазорлар, эгатлар четидаги айрим ўсимликлар барг томирларида оқ, некротик доғлар мавжудлиги аниқланди. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши кейинги даврларида барг пластинкаси катталашиб пайдо бўлган оқ, некротик доғлар сарик чипорланиш, сарғайиш аломатларига айланиши аниқланди.

БМВни табиатда тарқалиш муддатларини аниқлаш. Тажриба давомида амалга оширилган ишлар мониторинги ва БМВнинг табиатда тарқалишининг, муддатларини касаллик этиологиясини ўрганишни ЎЗМУ ботаника боғи шароитида тажрибалар олиб борилди(2,3-расмлар).



2- расм. Тошкент вилояти бўйича касалланиш даражаси




3- расм. ЎЗМУ ботаника боғини далаларида БМВ тарқалишини муддатлари

Олиб борилган БМВни тарқалиши мониторинги натижаларига кўра Тошкент вилояти Зангиота тумани “Эркин сут товар” фермер хўжалиги беда далаларида Паркент, Чиноз, Қибрай туманларига нисбатан 0,5-1,5 баробар

кўп касаллик аломатлари бўлган ўсимликлар кузатилди. Тажриба майдонидаги табиий шароитда ўстирилган беда ўсимликларида ҳаво харорати ва намликни ортиши билан касаллик аломатларини пайдо бўлиши маълум бўлди. БМВ билан касалланган ўсимликлар сони тажриба майдончаларига тегишли ҳолда 12,8%, 31,5% ва 32,4% ни ташкил этганлиги кузатилди.



БМВ хўжайин - ўсимликлар груҳини ва улардаги касаллик аломатларини аниқлаш. ЎЗМУ ботаника боғидаги дала тажриба участкасида некротдан кўпайтирилган касал ўсимликлар шираси ажратиб олиниб у билан турли оилага мансуб бўлган ўсимликларга юқтириб, касаллик аломатларнинг пайдо бўлиши кузатиб борилди(4-расм).



4-расм. БМВнинг *D. stramonium* (А) ва *D. metel* (Б) ўсимликларидаги касаллик аломатлари

Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб бангидевона (*Datura stramonium L.*) ўсимлигининг барг мезофилида 16-18 кунлар орасида оч яшил чипорланиш, мингдевона (*D. metel L.*), ўсимлигининг барг мезофилида эса, 18-20 кунлар ичида барчасида чипорланиш аломатлари пайдо бўлди (4-расм А-Б.). Тамакининг *N. barley L.* навида 15-20 кунлар орасида чипорланиш, *N. rustica L.* навида эса, дастлаб, кичикроқ некрот (1-1,2мм) ва сўнгра уни катталашиб (2мм) бориши кузатилди. БМВ шираси билан шўрадошлар (*Chenopodiaceae*) оиласига мансуб бўлган *Chenopodium quinoa L.*, *Ch. amaranticolor L.*, *Ch. murale L.* каби, ўсимлик турларини касаллантириши натижасида бир-биридан ҳажим жихатдан фарқ қилувчи сариқ хлоротик доғларни келтириб чиқарган, *Ch. album L.* ўсимлигида эса касаллик аломатлари кузатилмади.

БМВ нинг иссиқлик таъсирида деградация нуқтасини ва охири суюлиш чегарасини аниқлаш. Вирусни хўжайрада тўпланиши уни касалланган ўсимлик шираси таркибидаги концентрациясини билиш учун уни охири суюлиш чегарасининг топиш ва асосий физик параметрларида бири ҳисобланган ҳарорат таъсирида вирусларнинг юқумлилигини йўқолиши ўрганилди (5,6-расмлар). Бу тоза вирус препаратини ажратиб олишда унинг бу хоссалари муҳим роль ўйнайди.




5-расм. БМВ таъсирининг суюлтириш даражасига боғлиқлиги

6-расм. БМВ вириони гидролизига ҳароратнинг таъсири

Назорат ва тажриба ўсимликларида касаллик аломатлари (некроз) пайдо бўлган. Суюлиш даражаси 10^{-4} га етганда некрозлар сонининг камайиб бориши ва охириги 10^{-5} даражада суюлтирилган хужайра ширасида касаллик аломатлари пайдо бўлмаганлиги яъни вируснинг охириги суюлиш чегараси 10^{-4} эканлиги аниқланди. Вирусли ширани 65°C , 70°C , 80°C ва ундан юқори ҳароратларда қиздирилган намуналар билан зарарланган ўсимликларда касаллик аломатлари пайдо бўлмаган, бу ҳолатни вирус заррачаси юқори ҳароратда деградацияга учраганидан далолат беради. Шундай қилиб Ўзбекистон шароитида идентификация қилинган беда мозаикаси вирус изолятини охириги суюлиш нуқтаси 10^{-4} ҳарорат таъсирида деградацияланиш (парчаланиш) нуқтаси 65°C ташкил қилиши аниқланди.

Беда ўсимлигини ўсиши ва ривожланишига вируснинг таъсирини ўрганиш. Беда ўсимлигини ўсиши ва ривожланиш жараёнини кечишига вирус билан касалланган ўсимлик баргини ривожланиши давомида кечадиган морфологик ўзгаришлар кузатилди. Вирус билан касалланган ва соғлом ўсимликларнинг турли ярусларидаги барглар ўлчамларининг ўзгариши аниқланди (7-расм).



7-расм. БМВнинг беда ўсимлиги (Тошкент-2009) барг ўлчамига таъсири

Диаграммага кўра, вирус билан касалланган ўсимлик баргларининг бўйи соғ ўсимлик баргларига нисбатан 17,4 % га, эни 29 % га, учки ярусдаги баргларни бўйи 28 %, эни 21,7 %, ўрта ярусда бўйи 34,6 %, эни 4,3% га, пастки ярусда эса барг бўйи 19,1% га, баргнинг эни эса 25,9 % камайган.

Кейинги тадқиқотларимизда БМВнинг ўсимлик биомассасига таъсир даражаси тадқиқ қилинди. Бунинг учун тажриба майдонларидан келтирилган намуналар йиғиб олиниб, лаборатория шароитида текширилди ва натижалар аниқ статистик таҳлиллар асосида ҳисоблаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

Беда мозаика вирусига беда ўсимлигининг ўсишига (см) таъсири (n=4)

Соғлом ўсимликда				Касалланган ўсимликда			
Поя сони	Бўй узунлиги (см)	Хўл вазни (гр)	Қуруқ вазни (гр)	Поя сони	Бўй узунлиги (см)	Хўл вазни (гр)	Қуруқ вазни (гр)
10,85±0,8	36,04±1,6	53,1±3,6	9,22±2,5	22,55±3,5	22,13±0,5	32,11±0,8	5,47±0,01

Жадвалдан кўриниб турибдики, касалланмаган ўсимлик поясининг сони ўртача 10,8 тани ташкил этган, касалланган ўсимликларда эса поя сонининг соғлом ўсимликга нисбатан икки баравар кўпайганлигини яъни 22,55 тани ташкил қилди. Соғлом ўсимликларнинг бўйи ўртача 36,04 смни, касалланган ўсимликларники эса 22,13 см ни ташкил қилади. Ўсимлигининг хўл вазнида ҳам ўзгаришлар кузатилади, у соғлом ўсимликларда 53,1 г ни ташкил қилган бўлса, касалланган ўсимликларда эса 32,11 г ни ташкил қилди. Қуруқ вазни соғлом ўсимликда 9,22 г ни ташкил қилган бўлса, вирус билан касалланган ўсимликларда эса 5,47 г ни ташкил этди.

БМВнинг тоза изолятини олишининг такомиллашган усулини ишлаб чиқиш. Бу жараёнда касалланган беда ўсимлигини рН муҳитини ўзгартириш йўли билан БМВ изоэлектрик нуктада чўктириш орқали тоза вирус изолятини олиш амалга оширилди (2-жадвал).

2-жадвал

Касалланган БМВ нинг турли рН муҳитида чўқиши


№	Ўсимлик экстракти рН кўрсаткичи	Чўкма усти суяқлиги	Чўкма
1	Назорат -7.2-нейтрал	+	-
2	6,5 –кучсиз кислотали	+	-
3	6,0-кучсиз кислотали	+	-
4	5,5 - кислотали	-	+
5	4,0 – кислотали	-	+
6	3,5 – кислотали	-	-
7	3,0-кучли кислотали	-	-

Изох: - вирус аломати йўқ, + вирус аломатлари номоён бўлди.


Жадвалга кўра, БМВнинг изоэлектрик (чўқиш) нуктаси рН 4,0 га тенг. Тоза вирус препаратини олишда ва концентрлашда бу физик хусусиятини эътиборга олиш ўта муҳим ҳисобланади.

Беда мозаикаси вирусининг ПЗР – таҳлили. БМВнинг нуклеин кислоталарининг касал ўсимликлар экстрактида борлиги ПЗР асосида аниқланди. Ушбу тадқиқотда беда ўсимлигининг “Тошкент-2009” навидаги БМВнинг мавжудлиги Германия давлатидан олинган вирусининг

праймерлари ((Forward) (GT GGT GGG AAA GCT GGT AAA) ва (Reverse)(CAC CCA GTG GAG GTC AGC ATT)) ёрдамида аниқланди (8,9-расмлар).



8-расм. Микрокапилляр электрофорезда амплификацияни ҳосил бўлиши




9-расм. Gen-Scan LIZ1200 размерли метчик

Олинган натижалардан Ўзбекистонда ажратилган БМВнинг РНКси Германия БМВлари праймерлари билан ўхшашлиги аниқланди. ДНК секвенци ABI PRISM® BigDye™ Terminator v. 3.1 реактивлар тўплами ёрдамида амалга оширилиб, реакция маҳсулотлари ABI PRISM 3100-Avant автоматик секвенаторида қайд қилинди (ЦКП «Геном» («Гентотех», Москва).

Коллектив фойдаланиш марказидан (ЦКП) олинган секвенс маълумотлари “ab1” форматда олиниб, “Chromas version 1.45” (McCarthy, 1996 - 1998) дастури ёрдамида таҳлил қилинди. Секвенсдан олинган маълумотларнинг хатоликларини тўғрилаш мақсадида тўғри ва тескари праймерлар ёрдамида ўқитилган секвенс натижаларни FASTA-форматга айлантирилди. Кейин иккита хроматография натижаларини бирлаштириш «Clustal X version 1.81» дастури ёрдамида амалга оширилди. «Gendoc version 2.5.000» дастури ёрдамида кераксиз нуклеотидлар олиб ташланди.


Олинган секвенс маълумотлари GenomeNet (<https://www.genome.jp/tools/ete/>) веб саҳифаси орқали худди шу вируснинг ген маълумотлар базасидан (BLAST NCBI) олинган 27 та аналоглари билан ўзаро таққосланди (10-расм).



10-расм. BLAST NCBIда жойлашаган БМВнинг аналоглари (27 та) билан таққослаш асосида олинган БМВ-Ўзнинг филогенетик кўрсаткичлари

Тадқиқот олиб борилган, беда ўсимлигидаги *Alfalfa mosaic* вируси, иккинчи катта гуруҳдаги кириш рақами L00162.1, K03542.1 бўлган *Medicago sativa L* ва *Nicotiana tabacum L* ўсимликларидаги *Alfalfa mosaic* вирусига 100% ўхшашлиги аниқланди (bootstrap усулида).

Диссертациянинг “**Вирус касаллигининг фотосинтез жадаллигига таъсири**” деб номланган тўртинчи бобда вирус касаллигининг беда ўсимлигидаги фотосинтез жадаллигига келтирилган. Бунинг учун бедани ҳар хил даражада (кучсиз, ўртача ва кучли) вирус билан касалланган барглари таркибидаги хлорофилл миқдори аниқланди (11-расм).




11-расм. Беданинг БМВ билан касалланган баргидаги пигментлар миқдорининг ўзгариши

Тажрибаларда БМВ билан касалланмаган, соғлом (назорат) ўсимликлардаги хлорофилл “а” миқдори 195 мг/г ни, хлорофилл “б” миқдори 77,48 мг/г ни, умумий пигментлар миқдори эса 272,48 мг/г ни ташкил қилди.

Кучсиз касалланган ўсимлик таркибидаги хлорофилл “а” миқдори 167,48 мг/г ни, хлорофилл “b” 66,88 мг/г ни, умумий пигмент миқдори эса 234,36 мг/г ни ташкил қилди. Ўртача касалланганда хлорофилл “а” миқдори 122,93 мг/г ни, хлорофилл “b” миқдори 42,16 мг/г, умумий пигмент миқдори эса 165,09 мг/г га камайганлиги кузатилган. БМВ билан кучли касалланган ўсимлик баргида эса, хлорофилл “а” миқдори 93,72 мг/г ни, хлорофилл “b” миқдори 28,62 мг/г ни, умумий пигмент миқдори эса 122,33 мг/г ни ташкил қилди.

Шунингдек барг таркибидаги (50мг) умумий пигмент миқдорини ҳам ўрганиб чиқилди. Унинг миқдори соғ беда ўсимлигида 27,25 мг/г, кучсиз касалланганда 23,44 мг/г ни, ўртача касалланганда 16,51 мг/г ни, кучли касалланганда эса 12,23 мг/г ни ташкил қилди.

Вирус билан касалланган беда баргида транспирация интенсификацияси. БМВ билан касалланган беда ўсимлигида (*Medicago sativa L.*) трансферация жадаллиги келтирилган (12-расм).



12-расм. БМВ билан касалланган беда ўсимлиги (*Medicago sativa L.*) даги транспирация жараёнининг ўзгариши

Бунинг учун соғлом, ўртача ва кучли касалланган ўсимликлардан намуналар олиб улардаги транспирация жараёнини ўрганилди.


Натижалардан кўришиб турибдики, соғлом ўсимлик танасида сув буғлатиш нормал кечган, касалланган ўсимликларда бу жараён бир неча баробар юқори бўлган. Хужайрадан сувни бу қадар кўп чиқиб кетишини “ўсимлик-хўжайин” табибидаги иккиламчи метаболитларни вирус инфекцияси натижасида тез парчаланиб кетиши транспирация жадаллигини ортиб кетишга олиб келган.

Адабиётлардан маълумки, изоляция қилинган хлоропластларда тахминан 7 кунга қадар вирус Хилл реакциясига ва фотосинтетик фосфорланишга таъсир этмаган (Р.Мэтьюз 1973) 7-9 – кундан кейин хлорофил бирлиги хисобида касалланган ўсимликнинг транспирация тезлиги соғ ўсимлик тезлигига нисбатан 40% ортиб кетганди. Юқоридаги ўзгаришлар хужайрада кетадиган метаболитик жараёнлар қонуниятларига мос келади.

Вирусли касалликнинг ўсимлик таркибидаги макро ва микроэлементлар миқдорига таъсири. Вирусли касалликнинг ўсимлик таркибидаги макро- ва микроэлементлар миқдорига таъсири нейтрон – активацион усулида аниқланди. Олинган натижалар БМВ билан касалланган беда баргларидаги Fe, Cu, Zn, Ba ва Bг элементларининг ва хлорофилл миқдорининг

пасайганлиги туфайли ўсимлик ҳужайраларида физиологик ўзгаришларга олиб келишини кўрсатди. Mg ва Cs миқдори эса аксинча бироз юқори бўлиб, As миқдорида эса деярли ўзгармади.

Соғлом ва касалланган беда ўсимлигининг тўқималари таркибидаги ферментатив фаолликлари. Турли даражада касалланган беда ўсимлигининг тўқималари таркибидаги ферментатив фаолликлари аниқланди (13-расм).




13-расм. БМВ билан турли даражада касалланган беда ўсимлигидаги пероксидаза фаоллиги

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, соғлом ўсимлик (назорат) таркибидаги пероксидаза ферментининг миқдори ва фаоллиги дастлабки касаллик даврига нисбатан орадаги фарқ камроқ сезилади. Ўртача ва кучли касалланган ўсимликлар таркибидаги ферментни миқдори ва фаоллиги кескин ортиб кетди.

Диссертациянинг **“Беда навларининг БМВга чидамлилигини аниқлаш”** деб номланган бешинчи бобида беда нав ва линияларнинг вирусга чидамлилиги келтирилган.


Изланишлар таҳлили натижасида бир қатор беда нав ва линиялари ичида ҳеч бири БМВ га амалий чидамли эмаслиги маълум бўлди (14-расм).



14-расм. Нав ва линияларнинг чидамлилик гуруҳлари

Олинган натижаларни фоиз ҳисобида кўрсатилганда, биринчи гуруҳга (иммун) - 21,6% нав, учинчи яъни кучсиз касалланувчи гуруҳга - 22,9 % нав, тўртинчи гуруҳга (ўртача касалланувчи) -28,67 % нав, бешинчи гуруҳга (чидамсиз) - 26,75% нав мансублиги аниқланди.

Беда мозаикаси (Medicago sativa L.) вирусига касаллигига in vitro усулида кимёвий ва биологик препаратларнинг таъсири. Вирусга нисбатан кимёвий ва биологик препаратларнинг таъсири аниқланди, вирус суспензияси “Микрозим-2”, “FOSSTIM-3” ва “Химвакс”, “Фармайод” препаратларининг 0.02% эртимаси ёрдамида инкубация қилиниб 15, 30 ва 60 дақиқа давомида ишлов берилди ва дала шороитида ўстирилган махсус тест ўсимлик *Ch. amaranticolor*га юқтирилди. Ўсимлик ҳолати (танаси, барглари) ўзгаришлари 7-10 кун давомида кузатиб борилди. Вирус юқтирилган назорат ўсимлигининг баргларида 4-кун ичун некроз аломатлари, майда доғлар ҳосил бўла бошланди (15-расм).



15-расм. Препарат билан ишлов берилган БМВнинг юқумлилигининг ўзгариши

Кузатувлар вирус суспензиясини препаратлар билан инкубация қилиниб, сўнгра *in vitro* усулида махсус юқтирилган ўсимликда 7-10 кун давомида касалланиш даражаларини турлича эканлигини назоратга нисбатан “Микрозим-2”, “FOSSTIM-3”, “Химвакс” ва “Фармайод” (0.02%) препаратларининг вируснинг юқумлилигига салбий таъсир этди.

Олинган натижалар, назорат вариантыга нисбатан “Микрозим-2” энзим композицияси қўлланган вариантда некроз доғларининг 3,6 мартага камайганлигини, “FOSSTIM-3” бипрепарати таъсирида 2,7 баробарга камайишини кўрсатди. Кимёвий препаратлар “Химвакс” ва “Фармайод” нинг 0.02% эртимаси билан ишлов берилган вариантларда эса касаллик симптомлар яъни некротик доғларнинг 2,5 ва 3,1 баробарга камайганлигини кўрсатди.

Беда мозаикаси вирусига қарши кимёвий ва биологик препаратлар таъсирининг лизиметрик кўрсаткичлари тахлили. Кимёвий ва биологик препаратлар таъсири лизиметрик шароитида ўрганилган. Мазкур иш ўсимликлар касалликларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш чораларини

ишлаб чиқиш учун лизиметрик усулда яъни махсус жойда, тажриба учун олинган ўсимлик ва тупроқни ҳар томонлама ташқи мухитнинг омилларидан четлатиш орқали такомиллаштиришга бағишланган.

Тажрибалар помидор (*Lycopersicum esculentum L.*), булғор қалампири (*Capsicum annuum L.*), гармдори (*Capsicum frutescens L.*) ўсимликлари, ёш ниҳолларни экиш олдида 4 хил биологик препаратлар ва назорат учун кимёвий препаратлар - Фармайод (0,02%), Химвакс препаратлари билан 15 дақиқа, FOSSTIM-3, Микрозим-2 биопрепаратлари билан 30 дақиқа давомида инкубация қилиниб, махсус лизиметрга экилди.

Тажрибалар асосида олинган натижалар кимёвий – Фармайод-0,02% ва Химвакс препаратларининг эртимаси билан ишлов бериш FOSSTIM-3 ва Микрозим-2 биологик препаратларга нисбатан самарадорлиги кам бўлганлигини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал

Биологик ва кимёвий препаратлар беда мозаикаси вирус миқдорида қиёсий таъсири (некротлар сони)

№	Препаратлар номи	Текширилган экинлардаги вирусли некротлар сони					
		Помидор	%	Булғор қалампири	%	Гаримдори	%
1	Назорат	205,4±0,07	100	153,4±0,05	100	125,2±0,04	100
2	Микрозим-2	24,4±0,06	11,9	50,1±0,08	32,7	18,2±0,03	14,54
3	FOSSTIM-3	57,4±0,07	27,9	30,3±0,05	19,8	22,3±0,04	17,8
4	Химвакс	118,4±0,06	57,6	124,3±0,07	81,03	85,5±0,09	68,3
5	Фармайод (0.02%)	98,2±0,04	47,8	74,3±0,05	48,4	63,2±0,02	50,5

Олинган натижалар, Микрозим-2 биопрепарати таъсирида вирус билан сунъий зарарланган ўсимликларнинг: помидор ўсимлигидаги вирус миқдори (ҳосил бўлган некротлар ҳисобида) 11,9%, булғор қалампирида 32,7%, гаримдорида эса 14,54% қолганлиги, FOSSTIM-3 препарати таъсирида эса - 27,9, 19,8, 17,8 % миқдорни ташкил қилди.

Шундай қилиб, вирус билан касалланган ўсимликларни биологик препаратлар билан ишлов бериш, ўсимликда кечувчи айрим физиологик жараёнлардаги ўзгаришларни ва ўсимликни иммун тизимини мустаҳкамлаш билан бирга ҳужайрада тўпланадиган вирус заррачаларни деградация қилиши мумкинлиги аниқланди.

Шунингдек, биологик препаратларнинг таъсирлари ўртасида тафовут борлиги яъни FOSSTIM-3 ва Микрозим-2 биологик препаратлари билан кимёвий препаратлар орасида кескин фарқ мавжудлиги, уларни келгусида кенг амалиётда қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб, қўлланилган биопрепаратларни нафақат фитопатоген микроорганизмлар, балки ўсимлик вирусларига қарши курашда ҳам ишлатиш мумкинлиги кўрсатилди.

ХУЛОСА

«Беда мозаикаси вирусини тавсифлаш ва вируси билан касалланган ўсимликлардаги айрим физиологик жараёнларга таъсири» мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тошкент вилояти шароитида беда экилган майдонларининг мониторингини ўтказиш натижасида БМВнинг тарқалиши аниқланди. Дала шароитида беда ўсимлиги 16% дан 46% гача вирус билан касалланганлиги қайд этилди.
2. Ўсимлик индиктор усули билан ажратиб олинган тоза вирус изолятининг физик хусусиятлари кузатилди. Охириги суюлиш даражаси 10^{-4} , иссиқлик таъсирида парчаланиш даражаси $+65^{\circ}$ С ни намоён қилди.
3. Илк бор вирус билан касалланиш даражасига боғлиқ ҳолда соғ ўсимликларга нисбатан касалланган беда ўсимлигида пигментлар миқдорининг 13,9% дан 55,1% гача камайиши кузатилди. Вирус билан зарарланиш даражасига боғлиқ ҳолда касалланган ўсимликларда пигментлар миқдорининг камайиши, сув режимининг бузилиши ва бунинг натижасида сувнинг парланиш миқдорининг кескин камайиши аниқланди. Нейтрон активацион анализи ёрдамида БМВ билан касалланиши натижасида оғир металллар миқдорининг камайиши кузатилди ҳамда пероксидаза ва унинг фаоллигининг ортиши қайд этилди.
4. ПЗР усули билан БМВ-ўзнинг диагностикаси ишлаб чиқилди. Беда ўсимлигидаги *Alfalfa mosaic* вируси, иккинчи катта гуруҳдаги кириш рақами L00162.1, K03542.1 бўлган *Medicago sativa L* ва *Nicotiana tabacum L* ўсимликларидаги *Alfalfa mosaic* вирусига 100% ўхшашлигини намоён қилди.
5. Нав ва линияларнинг вирусга чидамлилиқ даражаси аниқланди ҳамда иммунлар - 21,6%, кучсиз касалланаганлар - 22,9%, ўртача касалланаганлар - 28,67 %, чидамсизлар - 26,75% ни ташкил қилади.
6. Беда ўсимлигини вирусдан химоя қилиш мақсадида «Химвакс», «Фармайод» кимёвий препаратлари ҳамда «FOSSTIM-3» ва «Микрозим-2» биопрепаратларини қиёсий таъсир кўрсаткичлари аниқланди ва «Микрозим-2» таъсир самарадорлиги юқори бўлиб, бедадан олинган яшил массанинг 14-20 ц/га ташкил этади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА DSc. 27.06.2017.В.38.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
МИКРОБИОЛОГИИ И НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХУСАНОВ ТОХИР СУННАТОВИЧ

**ХАРАКТЕРИСТИКА ВИРУСА МОЗАИКИ ЛЮЦЕРНЫ И ВЛИЯНИЕ
ВИРУСА НА НЕКОТОРЫЕ ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ
ЗАРАЖЕННЫХ РАСТЕНИЙ**

**03.00.04-Микробиология и вирусология
03.00.07- Физиология и биохимия растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером **B2019.3.PhD/B80**

Диссертация выполнена в Национальном университете Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (microbio@academy.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научные руководители:	Вахабов Абдурасул Хакимович доктор биологических наук, профессор
	Давранов Кодиржан Сотивалдиевич доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ахмеджанов Искандар Гулямович доктор биологических наук, профессор
	Шакиров Заир Соатович доктор биологических наук
Ведущая организация	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «27» февраля 2020 года в «10⁰⁰» часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.B.38.01 при Институте микробиологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий, 76, конференц-зал Института микробиологии, 3 этаж Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, 246-02-24, e-mail: microbio@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрирована под № ____). Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий, 76, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2020 года).

Арипов Тахир Фатихович
Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, б.ф.д., профессор, академик

Жураева Рохла Назаровна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

Гулямова Ташхан Гафуровна
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире резкое снижение урожайности и гибель растений из-за различных заболеваний и вредителей при выращивании сельскохозяйственных культур является причиной экономического ущерба во многих странах. На сегодняшний день в результате заражённости более 100 видов сельскохозяйственных культур различными грибами и вирусными заболеваниями наносится большой ущерб окружающей среде и здоровью населения. В этой связи, проведение мониторинга распространения вируса мозаики люцерны и изучение его влияния на обменные процессы у растений люцерны, имеет важное значение.

В мире проводятся научные исследования по выявлению вирусов, видов растений и уничтожения, их негативного влияния с помощью интенсивных технологий. В частности, изучение конкретных видов вирусов мозаики люцерны, их морфологии, физиологии и патогенности, идентификация фитопатогенных вирусов с использованием современных и чувствительных иммунодиагностических методов, подготовка антисыворотки к вирусам, их генерация, взаимодействие с растениями, химический, биологический контроль, улучшение и выявление устойчивых сортов к вирусам является актуальным.

В республике уделяется большое внимание изучению вирусов люцерны и других сельскохозяйственных растений, их таксономии, идентификации видов генетическими методами, совершенствованию методов ранней диагностики и предотвращения потерь урожайности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены следующие задачи «...страна будет и далее улучшать продовольственную безопасность, сокращать посевы хлопчатника и зерновых, выращивать такие культуры, как люцерна, картофель, овощи, кормовые, масличные культуры и оптимизировать выращивание сельскохозяйственных культур, болезней и вредителей путем размещения новых интенсивных садов и виноградников, эффективно использовать люцерну (*Medicago sativa L*) для посадки устойчивых, адаптированных к местным условиям сельскохозяйственных культур, восстановления плодородия почвы, а также расширения кормовой базы для животных, создание и внедрение устойчивых к болезням сортов²». При выполнении этих задач важно выявить устойчивые к вирусу сорта и разработать биологические методы борьбы с ними. Кроме того, посевы люцерны необходимы для севооборота в целях восстановления плодородия почв.

